



**“Дори-дармон” акциядорлик
компанияси раиси
У. Салихбоевага**

Хурматли Умида Саидовна!

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Республика бошқаруви муҳтарам Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги 2019 йил 23 октябрдаги Қарорига кўра юрти-мизда жуда кенг кўламда нишонланган 9 май - Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Ғалабанинг 75 йиллик байрами арафасида кекса авлоднинг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини, якка ёлғизларни зарур дори-дармон тўпламлари (аптечкалар) билан беғараз таъминлаш борасидаги доимий амалий ёрдамингиз учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, турли ҳудудларда истиқомат қилаётган фахрийларимиз “Нуроний” жамғармаси Республика Бошқарувиغا муурожаат этиб, умумхалқ байрами муносабати билан барча давлат ва жамоат ташкилотлари қатори Сиз раҳбарлик қилаётган компания жамоасига ҳам кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун доимий дуода эканликларини изҳор этишмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, компания томонидан жамғарма Республика Бошқарувиغا мурувват ёрдами сифатида тақдим этилган дори-дармон аптечкаларининг бир қисми Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар Кенгашига, Ўзбекистон Ногиронлар жамиятига, Ўзбекистон “Ветеран” жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмасига компания ва жамғарманинг байрам туҳфаси сифатида етказиб берилганини маълум қиламиз.

**Қадрли Умида Саидовна,
Табаррук отахон ва мунис онахонларимизнинг дуоларини олиш,
уларни эъзозлаш ва саломатликларини мустаҳкамлаш борасидаги
хайрли фаолиятингизга файзу-баракот тилаб**

Эҳтиром билан
Бошқарув раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони



С. Турдиев

25.05.2020 йил